

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**МУСТАФАЕВА САМИДА ТОШМУХАММЕДОВНА**

## **ХИТОЙ ТИЛШУНОСЛИК ТЕРМИНОЛОГИЯСИ**

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

**Мустафаева Саида Тошмухаммедовна**

Хитой тилшунослик терминологияси .....3

**Мустафаева Саида Тошмухаммедовна**

Лингвистическая терминология китайского языка.....21

**Mustafaeva Samida Toshmukhammedovna**

Linguistic terminology of Chinese language .....37

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....40

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**МУСТАФАЕВА САМИДА ТОШМУХАММЕДОВНА**

## **ХИТОЙ ТИЛШУНОСЛИК ТЕРМИНОЛОГИЯСИ**

**10.00.05 – Осиё ва Африка халқлари тили ва адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017. 1. PhD/Fil.8 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус) веб-саҳифанинг [www.tashgiv.uz](http://www.tashgiv.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Содиқов Қосимжон Позилович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Дадабоев Ҳамидулла Арипович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Носирова Саодат Абдуллаевна**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16- уй. Тел: (99871) 233–45–21; факс: (99871) 233–52–24; e-mail: sharq\_ilmiy@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16- уй. Тел: (99871) 233–45–21.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси) .

**А.М Маннонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор.

**Қ.Ш Омонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.д., доцент.

**А. Куранбеков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор.

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кун дунё тилшунослигида лингвистик терминларни тадқиқ қилиш, таснифлаш ва тавсифлаш, мазкур соҳа терминлар тизимини меъёрга келтириш ва унификациялаш, термин таржималарини тизимлаштириш терминология соҳасидагина эмас, умуман тилшуносликда чуқур ўрганилиши лозим бўлган масалалардан бўлиб келмоқда. Қолаверса, халқаро майдонда шиддат билан кечаётган глобализация жараёни тилларнинг лексик фонди, айниқса, терминлар тизимининг тез суръатда бойишига сабаб бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, терминология соҳасидаги тадқиқотларга бўлган эҳтиёжни янада оширади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон–Хитой муносабатлари сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда. Ҳамкорлик муносабатларининг тараққий этишидан ҳар иккала давлат ҳам манфаатдор. Зеро, “...Ўзбекистон Хитойни қадимий тарих ва ноёб маданият, улкан салоҳиятга эга, жаҳон иқтисодиётининг етакчиларидан бўлган ва ўз мақсадлари йўлида қатъий бораётган мамлакат сифатида билади”<sup>1</sup>. Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги узоқ тарихий илдизларга эга, бугунги кунда мустаҳкам ҳуқуқий базага асосланган ўзаро манфаатли ва серқирра ҳамкорликнинг шу йўсинда изчил ривожланиши хитойшунослик соҳасида чуқур билим ва малакага эга бўлган, хитой тилини мукамал эгаллаган мутахассис-кадрларга бўлган эҳтиёжнинг кун сайин ортишига сабаб бўлмоқда.

Тил бойлиги, унинг лексик фонди, унинг ажралмас қисми бўлган терминлар тизимини тадқиқ этиш филологик тадқиқотларнинг ўта муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Терминлар учун қўйиладиган аниқлик, бир маънолилик хусусиятларига эга бўлиш, синонимия ва вариативлик каби ҳодисаларга йўл қўймаслик сингари қатор талабларга қарамай, хитой тилшунослик терминларининг тилимизга таржима қилинишида ушбу принципларга риоя қилмаслик ҳолатининг кузатилиши хитой тилшунослик терминларини комплекс тарзда ўрганиш, ушбу соҳа терминлари аппаратини унификациялаш, уларнинг эволюцион, лексик-семантик, структур ва функционал хусусиятларини монографик планда тадқиқ этиш, терминлар синонимиясини келтириб чиқарган омилларни белгилаш ҳамда уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар бериш зарурати мазкур тадқиқот ишининг долзарблигини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875- сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2014 йил 3 сентябрдаги ПҚ-2228- сон «Тошкент давлат шарқшунослик институти таркибида Хитойшунослик факультетини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори ва 2016 йил 13 майдаги

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. 2017 йил 11 майда ХХРга ўтказилган давлат ташрифи доирасида Хитой Раиси Си Цзинпин билан учрашувда сўзланган нутқ. // Ўзбекистон-Хитой: стратегик шериклик ва дўстлик муносабатларини янада ривожлантириш йўлида. www.uza.uz. 12-05-2017.

ПФ-4794- сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва хуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Хитой тилшунослик терминологиясининг айрим муаммолари Ша Дзонгюан<sup>2</sup>, Рэн Дзесянг<sup>3</sup>, Пэй Яжюн, Ванг Дзуосин<sup>4</sup> томонидан ўрганилган. Хусусан, Ша Дзонгюан ёзувга оид терминларни меъёрлаштириш масаласини, мазкур соҳа терминларида кузатиладиган салбий ҳолатларни ўрганиб, уларни бир меъёрга келтириш бўйича бир қатор тавсияларни ишлаб чиққан. Рэн Дзесянг эса тилшунослик терминларининг таржималарини меъёрлаштириш бўйича тадқиқот ишини яратган. Бунда, хитойча терминларнинг инглиз тилига ва инглизча терминларнинг хитой тилига таржима қилиниши, таржима жараёнида юзага келаётган хатоларни таҳлил этиб, таржималарни стандартлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиққан. Пэй Яжюн, Ванг Дзуосинлар синология соҳаси терминларини стандарлаштириш масаласини ўрганиб, асосан қадимги хитой тилшунослиги терминларига тўхталиб ўтган.

Тилшунослик терминлари бўйича рус синологиясида яратилган илмий тадқиқот ишлари сон жиҳатдан устун бўлиб, С.И. Омарова<sup>5</sup>, С.И. Шчербина<sup>6</sup>, М.М. Курбанова<sup>7</sup>, П.М. Алиева<sup>8</sup>, Л.В. Попова<sup>9</sup>, В.В. Антимирова<sup>10</sup>, З.И. Евлоева<sup>11</sup>, М.А. Паржева<sup>12</sup> ларнинг докторлик ва номзодлик

<sup>2</sup> 沙宗元.文字学术语规范研究.-安徽, 2008. 464 页.

<sup>3</sup> 任泽湘.语言学术语译名的规范化.硕士研究学位论文.2007. 30 页.

<sup>4</sup> 裴亚军、王作新.国学术语规范问题.//中国科技术语.2009№3. 11-14 页

<sup>5</sup> Омарова С.И. Проблемы терминологии в дагестанских языках (лингвистическая терминология): Автореф. дис. ... док.филол.наук. –М., 1998.-48 с.

<sup>6</sup> Щербина С.И.Развитие русской терминологии сравнительно-исторического языкознания: Автореф. дис. ... док.филол.наук. –М., 2004.-44 с.

<sup>7</sup> Курбанова М.М. Лингвистическая терминология даргинского языка: Автореф. дис. ... канд.филол.наук. – Махачкала, 2008. -23 с.

<sup>8</sup> Алиева П.М.Состояние лингвистической терминологии в современном русском языке (2001-2011 гг.): Автореф. дис. ... канд.филол.наук. –Ставрополь, 2011. -19 с.

<sup>9</sup> Попова Л.В. Проблема качества лингвистического термина(на материале авторских терминосистем функциональной грамматики): Автореф. дис. ... канд.филол.наук. –Челябинск, 2004. -24 с.

<sup>10</sup> Антимирова В.В. Лексико-семантические и деривационные характеристики русской лингвистической терминологии: Автореф. дис. ... канд.филол.наук. –Махачкала, 2008. -24 с.

<sup>11</sup> Евлоева З.И. Русская лингвистическая терминология в эволюционном аспекте: Автореф. дис. ... канд.филол.наук. – Краснодар, 2011. -23 с.

<sup>12</sup> Паржиева М.А. Особенности функционирования лингвистических терминов в профессиональной речи: Ставрополь, 2005. -28 с.

диссертациялари; Л.И. Скворцов<sup>13</sup>, Н.А. Слюсарева<sup>14</sup>, А.И. Моисеев<sup>15</sup>нинг илмий мақолалари шулар жумласидандир.

Л.В. Решетованинг тилшунослик терминлари юзасидан ёзилган илмий мақоласида ўзбек тилида грамматик терминологиянинг яратилиши масаласи ёритилган<sup>16</sup>. И. Эрматовнинг мазкур соҳа терминлари тадқиқи доирасида ёзилган мақоласида тилшунослик терминларининг маъно кенгайиши ва торайиши ходисаси очиб берилган<sup>17</sup>.

Хитой тилшунослик терминларининг луғатшунослик йўналишида Пекин университети Тилшунослик кафедраси томонидан яратилган “Тилшунослик терминлари изоҳи”<sup>18</sup>, Ванг Фенг таҳрири остида нашрдан чиққан “Филологик терминларнинг қисқача луғати”<sup>19</sup> деб номланган бир тилли изоҳли луғатлар, Шэн Цзясюан томонидан хитой тилига таржима қилинган “Инглизча-хитойча тилшунослик терминлари изоҳли луғати”<sup>20</sup>, Пекин университети Тилшунослик кафедрасининг бир қатор олимлари ҳаммуаллифлигида яратилган “Тилшунослик терминлари” (русча-хитойча; хитойча-русча) луғати<sup>21</sup>, Қ. Ғабитханулининг “Хитойча-русча-қозоқча тилшунослик терминлари луғати”, М.Т. Каунбаевнинг “Хитойча-ўзбекча лингвистик атамалар луғати” каби таржима луғатлар яратилган.

Юқорида келтирилган тадқиқотлар терминларни стандартлаштириш, таржима масалалари, ўзбек, рус ва бошқа тилларнинг тилшунослик терминлари тадқиқига бағишланган.

Таъкидлаш жоизки, хитой тилшунослик терминларининг шаклланиши ва тараққиёти, уларнинг бугунги кундаги қўлланилиши, лексик-семантик ва структур хусусиятлари яхлит монографик планда тадқиқ этилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Шарқ тилларининг лексикографик тадқиқотлари” мавзуидаги илмий йўналишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** хитой тилшунослик терминларини мустақил функционал қатлам сифатида тадқиқ этиш, уларнинг шаклланиш босқичлари ва йўллари, лексик-семантик ҳамда структур хусусиятларини илмий асослашдан иборат.

<sup>13</sup> Даниленко В.П., Скворцов Л.И. Лингвистические проблемы упорядочения научно-технической терминологии//Вопросы языкознания. – Москва, 1981. - № 1. – С. 9-16.

<sup>14</sup> Слюсарева Н.А. Терминология лингвистики и метаязыковая функция языка// Вопросы языкознания. – Москва, 1979. - № 4. – С. 69-76.

<sup>15</sup> Моисеев А.И. Из истории русской лингвистической терминологии (пауза - пауза)// Вопросы языкознания. – Москва, 1993. - № 1. – С. 129-134.

<sup>16</sup> Решетова Л.В. Ўзбек тилида грамматик терминологиянинг яратилиш масаласига доир// Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Тошкент, 1962. - №5. – Б.13-19; Ўзбек тилида лингвистик терминлар яшашнинг асосий усуллари// Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1964. - №1. – Б. 43-48.

<sup>17</sup> Эрматов И. Тилшунослик терминларида маъно кенгайиши ва торайиши// Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2013. - №1. – Б. 97-100.

<sup>18</sup> 语言学名词解释. –北京: 1961. -152 页.

<sup>19</sup> 王凤.简明语文知识词典. –湖北,1982.491 页.

<sup>20</sup> 沈家焯.现代语言学词典. –北京. 2002.441 页.

<sup>21</sup> 语言学名词. –北京: 科学出版社, 1961.- 142 页.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

хитой тилшунослик терминларининг шаклланиши ҳамда таракқиёт босқичларини ўрганиш;

хитой тилшунослик терминларини қадимги хитой тили, яъни соҳа терминлари шакллана бошлаган илк босқичдан эътиборан ўрганиш;

хитой тилшунослик терминларининг шаклланиш йўллари аниқлаш; терминлар тизимининг бойишида ички ва ташқи манбалар ҳамда термин ясалишидаги асосий анъаналарни белгилаш;

хитой тилшунослик терминлари дефинициясига аниқлик киритиш, бирор термин шаклланишида унинг лексик-семантик факторларининг ролини аниқлаш;

хитой тилшунослик терминологиясини тартибга солиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

терминларни таржима қилишда йўл қўйиладиган асосий камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш йўллари аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб, хитой лексикографик манбаларидан ўрин олган ҳамда соҳа лексикасида қўлланилаётган бир ва кўп компонентли, турли тузилишдаги тилшунослик терминлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети**ни хитой тилшунослик терминларининг тадрижий, лексик-семантик, структур хусусиятлари, асосий функциялари, соҳа терминларини тартибга солиш ва унификациялаш масалалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда тавсифлаш, қиёслаш, моделлаштириш, анализ, синтез, таснифлаш методларидан фойдаланилди.

### **Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги:**

хитой тилшунослик терминлари тизими шарқшуносликда илк маротаба монографик планда тадқиқ этилган, терминлар тадрижий таракқиётининг тарихий босқичлари далилланган;

хитой тилшунослик терминларининг деривацион тамойиллари, синтактик, аффиксал усулда ясалиши аниқланган ва тилшунослик терминларининг структур типлари, уларнинг миқдорий кўрсаткичлари асослаб берилган;

хитой тилшунослик терминларининг ҳозирги ҳолати, соҳа терминологиясининг анъанавий тилшунослик терминларини қайта тиклаш, морфологик ва синтактик йўллар билан янги терминларни яшаш каби ички ва семантик, фонетик калькалар, японизмларни ўзлаштириш сингари ташқи омиллар ҳисобига бойиш йўллари исботланган;

тилшунослик терминологиясида синонимия, полисемия, омонимиянинг термин қўллаш ва уларни бошқа тилларга таржима қилишга тўсқинлик қилувчи ҳолатларининг ечими далилланган;

хитой тилшунослик терминларини тартибга солиш, уларнинг ўзбек тилига таржималаридаги муаммоларни бартараф этиш бўйича терминларни сўзма-сўз таржима қилишдан қочиш, терминларни таржима қилишда билвосита таржимага йўл қўймаслик, ўзбек тилида мутаносиби бор



терминларни шу муқобили воситасида бериш каби тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** Ҳозирга қадар ишнинг амалий натижаси сифатида “ЁА 1 – 13 Шарқ тиллари икки тилли луғатларининг лексикографик тадқиқотлари” лойиҳаси доирасида “Хитойча-ўзбекча тилшунослик терминлари изоҳли луғати”<sup>22</sup> яратилган ва нашр этилган. Мазкур луғат хитой тилшунослик терминлари бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларини жамлаган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Мазкур тадқиқот ишида фойдаланилган мисоллар Хитойда нашр этилган тилшунослик соҳасига оид илмий асарлар, изоҳли луғатлар, шунингдек, ўтмишда яратилган ёзма манбалардан олинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот ишининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти тилшунослик терминлари мисолида терминологияга хос қатор масалалар, чунончи, термин ясалиши йўллари, соҳа терминлари бойишида ички ва ташқи манбаларнинг ўрнини, терминларни унификациялаш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар, термин таржимасидаги муаммолар ва уларни ечиш бўйича тавсиялар соҳага доир илмий ишлар учун назарий материал бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти педагогикада фаол соҳа терминлари тадқиқини ўзида акс эттирганида кўринади. Бугунги кунда хитой тилининг асосий ва иккинчи шарқ тили сифатида юртимизнинг қатор олий ва ўрта махсус билим юртлари, хитой тилига ихтисослашган ўрта мактабда ўқитилишини ҳисобга оладиган бўлсак, тадқиқот ишининг натижалари хитой тили бўйича махсус курсларни ўқитиш учун зарур манба бўлади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот натижалари, хусусан, терминлар таржимаси Ўзбек-хитой Конфуций институтида дарс жараёнига кенг татбиқ қилинмоқда. 2014 йилдан ҳозирга қадар тадқиқот объекти бўлган терминлардан 900 таси, жумладан 判断词 *pànduàncí* ёки 断词 *duàncí* “боғлама”, 基础语 *jìchūyǔ* ва 母语 *mǔyǔ*нинг “асос тил”, 声母 *shēngmǔ* “товуш асос” ва 韵母 *yùnmǔ* “ритмик асос” каби таржималари муомалага киритилди ва терминлар изоҳидан дарс жараёнида истифода этилмоқда (Ўзбек-хитой Конфуций институтининг 2016 йил 21 ноябрдаги 174/16- сон маълумотномаси). Жорий этилган материаллар Ўзбек-хитой Конфуций институтида олиб борилаётган хитой тили дарсларида терминларнинг унификациялашган ҳолда қўлланилиши, терминлар таржимасидаги чалкашликларни ечиш, ўзбек тилида моси бўлмаган хитойча терминларни таржима қилиш орқали ўқувчиларга осон етказиш, қолаверса, терминологик лексиканинг ясалиш йўллари, хитой тили тараққиётининг тилшунослик терминологиясига таъсирини асослашга хизмат қилмоқда;

Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлиги расмий веб-сайти орқали тарқатиладиган хабарларнинг хитойча таржималарини амалга оширишда

<sup>22</sup> Мустафаева С. Хитойча – ўзбекча тилшунослик терминлари изоҳли луғати. – Т., 2014.

фойдаланиб келинмоқда. Веб-сайтга жамият, фан, маданият ва сиёсат блоки бўйича жойланадиган хабарларнинг ўзбек тилидан хитой тилига ўгирилиши терминларнинг функционал ҳамда стилистик хусусиятлари тадқиқига доир хулосаларга таянган ҳолда олиб борилмоқда. 2013 йилдан бугунга қадар 101та термин, жумладан, “миллий тил” ёки “давлат тили” терминлари контекстан келиб чиққан ҳолда “国语” *guóyǔ* термини воситасида, “хитой тили” терминининг “汉语” *hànyǔ*дан ташқари, жумла мазмунини инобатга олган ҳолда “贵国语言” *guìguó yǔyán* тарзидаги таржималари ЎЗА материалларининг хитойча таржималари учун муомалага киритилган (Ўзбекистон Миллий Ахборот агентлигининг 2016 йил 15 ноябрдаги 01-08/468- сон маълумотномаси). Муомалага киритилган терминлар хабарларни тўғри, хитой тили публицистик услуби меъёрларига мос таржима қилишга хизмат қилиб келмоқда;

Республика байналмилал маданият маркази ва Тошкент шаҳар Хитой маданият маркази томонидан ўтказилган тадбирларда илмий тадқиқот натижаларидан фойдаланилган (Республика Байналмилал маданият марказининг 2016 йил 13 декабрдаги 01-02-276- сон маълумотномаси). Натижада хитой адабий тили, унинг шаклланиши ва тараққиёти, адабий тил масаласи ва бу тушунчани ифодаловчи терминлар хилма-хиллиги, уларнинг лексик-семантик ҳамда функционал хусусиятлари, Хитойдаги кам сонли миллатлар тили, шеваларнинг номлари ва шарҳлари борасидаги маълумотлар, таҳлил натижаларини ёритганлиги марказ аъзолари ва тингловчиларнинг бу борадаги билимларини такомиллаштиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 4 та халқаро «Тил, маданият, жамият – цивилизациялар чорраҳасида» (Тошкент-Цукуба, 2011); «Язык, культура, общество» (Москва, 2013); «Языки стран Дальнего Востока, Юго-восточной Азии и Западной Африки» (Санкт-Петербург, 2014); «Япония ва Ўзбекистон маданиятини қиёсий ўрганиш: интеллектуал ва моддий бойликларни излаб топиш имкониятлари» (Тошкент-Цукуба, 2014) ва 13 та республика илмий-амалий анжуманлари «Хитойшуносликнинг долзарб масалалари: филология, фалсафа, тарих, иқтисод ва сиёсат» (Тошкент, 2011, 2012, 2013, 2014, 2015); «Мустақиллик йилларида илм-фан тараққиёти: ёш олимлар муҳим фундаментал натижалар, амалий ютуқлари ва инновациялар» (ЎЗР ФА, 2011); «Ўзбекистонда хитойшунослик: тарих, ҳозирги замон ва келажак» (Тошкент, 2012); «Ёш шарқшуносларнинг академик Убайдулла Каримов номидаги илмий-амалий конференцияси» (Тошкент, 2012, 2013); «Ҳозирги замон тилшунослигида когнитив лингвомаданиятшунослик ва гендер тилшунослиги йўналишларига доир масалалар» (Тошкент, 2013); «Ёшларга чет тилларини ўргатишнинг замонавий технологиялари» (Тошкент, 2013); «Ўзбекистонда японшунослик: филология, тарих, фалсафа ва иқтисод масалалари» (Тошкент, 2014)да муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 33 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, 2 та

монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 10 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 152 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Хитой тилшунослик терминлари тизимининг шаклланиши ва тараққиёт босқичлари**» деб номланиб, ушбу бобда уч минг йиллик тарихга эга хитой тилшунослиги, соҳа терминларининг эволюцияси ва ўзига хос хусусиятлари ёритилган. Деярли ташқи омиллар таъсиридан ҳоли тараққий этган мумтоз хитой тилшунослиги илмида тармоқ терминларининг кетма-кетликда тизимли тадқиқи амалга оширилган. Янги даврда хитой илм-фанига ғарб илмининг таъсири ва унинг хитой тилшунослиги, соҳа терминологиясида акс этиш масаласи, Хитой Халқ Республикаси ташкил топгандан кейинги даврда хитой тилшунослиги ва бевосита соҳа терминологиясида юз берган ўзгаришлар ёритилган.

Хитой тилшунослик илмининг ривожланиши, соҳа терминларининг шаклланиши ва тараққиётдан келиб чиқиб, хитой тилшунослик терминлари тараққиётини уч босқичга ажратиш мумкин:

илк босқич, яъни хитой ёзувининг шаклланиши, фонетика, лексикография ва диалектология соҳалари тараққиёти, тилшуносликнинг мазкур соҳаларида қўлланилган терминлар эволюцияси, тахминан мил. авв. 1000 йилдан милодий XIX аср охирларига қадар;

иккинчи босқич, Хитойда грамматик тадқиқотларнинг юзага келиши ва тилшуносликнинг ғарб тилшунослиги андозасида ривожланиши, грамматика соҳаси терминлари;

учинчи босқич, ҳозирги хитой тилшунослиги терминлари, XX асрнинг 50- йилларидан бошлаб ҳозирга қадар бўлган давр. Бунда ХХР ташкил топгандан кейин хитой тили ва Хитойда тилшунослик соҳаси тараққиёти, бунинг таъсирида лингвистик терминологияда кечган ўзгаришлар.

Хитой тили тилшунослик терминологияси шаклланишининг илк босқичи анъанавий хитой тилшунослиги терминологиясидир. Мумтоз хитой тилшунослигининг ўзига хос жиҳатлари қуйидагилар:

- асосий эътибор ёзма тил, вэнянга қаратилган;  
-лексикология, лексикография ва фонетика билан боғлиқ масалалар ўрганилган;

- грамматик тадқиқот доирасида фақат 虚字 *xūzì* ёки 虚词 *xūcí* ёрдамчи сўзларнинг тавсифи берилган<sup>23</sup>.

Терминология шаклланишининг иккинчи босқичида ташқи таъсир кучли, бу босқич қадимги хитой тили ва ҳозирги хитой тилининг кесишув нуқтаси ҳисобланади. Шу сабаб, бу босқич терминлари бир томондан, қадимги хитой ёзма тили вэняннинг хусусиятларини акс эттирса, иккинчи томондан, ғарб тилшунослиги терминларининг семантик калькалари билан бойиб борди.

Учинчи босқичда соҳа терминологияси дунё тилшунослигида мавжуд бўлган турли лингвистик мактаб ва оқимлар назариясини ўрганиш, турли қарашлар таъсирида хитой тили кўп миқдордаги терминлар билан бойиди. Мазкур босқичда термин ижодкорлиги қадимги хитой тили эмас, ҳозирги хитой тилининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда олиб борилди. Тилшунос олимларнинг қарашларидаги тафовутлар, термин таржималаридаги фарқлар терминологияда синонимия, дублетлилик каби салбий ҳодисаларни ҳам келтириб чиқарди.

Иккинчи боб «Хитой тилшунослик терминларининг структур хусусиятлари ва лексик-семантик тадқиқи» деб аталган ва унда хитой тилида сўз ясалиши ва ўзига хос усуллар, сўз ясалишида қўлланиладиган моделлар, хитой тилшунослик терминларининг ҳосил қилиниши таҳлили, соҳа терминларининг ички ва ташқи манбалар асосида ҳосил қилинишида маҳсулдор усул ва моделлар тадқиқи, терминларнинг структур типлари бўйича таснифи ўз ифодасини топган. Шунингдек, тилшунослик терминларининг денотатив ва сигнификатив маънолари, соҳа терминологиясидаги синонимия, антонимия каби лексик ҳодисалар ва уларни келтириб чиқарувчи омиллар, терминларнинг функционал хусусиятлари тадқиқини ўз ичига олган.

Хитой тилшунослик терминларининг аксарият қисми композицион усулда ҳосил қилинган бўлиб, *атрибутив модель* асосида деярли барча сўз туркумларининг номлари ясалган:

实词 *shící* ‘муस्ताқил сўзлар’ > 实 *shí* ‘тўлиқ; ҳақиқий’ + 词 *cí* ‘сўз’;

虚词 *xūcí* ‘ёрдамчи сўзлар’ > 虚 *xū* ‘бўш, тўлиқсиз; қалбаки’ + 词 *cí* ‘сўз’.

范畴 *fànchóu* термини сўз ясалишининг копулятив модели асосида ҳосил қилинган, унда икки компонент ўзаро тенг, аммо мазкур сўз япон тилидан хитой тилига ўзлашган термин ҳисобланади:

范畴 *fànchóu* ‘категория’ > 范 *fàn* ‘чегара; қолип’ + 畴 *chóu* ‘тур; синф’.

<sup>23</sup> Курдюмов В.А. Курс китайского языка: теоритическая грамматика. –М., 2006. –С.18.

Хитой тилшунослигидаги 修饰 *xīushì* ‘изоҳлаш; аниқлаш’ термини 修 *xīu* ‘тартибга келтириш’ ва 饰 *shì* ‘безак; зеб бериш’ сўзларидан ташкил топган бўлиб, феъл-тўлдирувчи бўлак моделига мисол бўлади.

Субъект-предикатив моделига мисол тарзида 人称 *rénchéng* ‘кишилик; шахс’ маъноларини ифодаловчи терминни келтиришимиз мумкин. Бунда, биринчи компонент 人 *rén* ‘одам, шахс’ ва иккинчи компонент 称 *chéng* ‘атамоқ, номламоқ’ маъноларини англатувчи сўзлардир. Бу компонентлар ўртасидаги муносабат эга-кесим муносабатига эга.

Тилшунослик терминларининг ясашиши композицион усули доирасида *атрибутив модель* анча маҳсулдор эканлиги аниқланди. Мазкур модель асосида ҳосил қилинган аксарият терминлар “феъл+от” шаклига эга. Аффиксация 加词缀 *jiācízhùì* – ҳозирги хитой тили сўз ясашишида энг кўп қўлланиладиган усуллардан биридир<sup>24</sup>. Сўз ясашишининг мазкур усулида ҳосил қилинган терминларга қуйидагиларни мисол келтириш мумкин:

第 *dì* ‘-нчи’, 反 *fǎn* ‘анти’-, ‘контр’- тилшунослик терминларини ясашда иштирок этади:

第一人称 (身) *dì yī rénchéng (shēn)* ‘биринчи шахс’ > 第 *dì* тартиб сонларни ясовчи префикс + 一 *yī* ‘бир’ + 人称 (身) *rénchéng (shēn)* ‘шахс’.

Хитой тилида қўлланилиш доираси нисбатан кенг суффикслардан қуйидагилари тилшунослик терминларини ясашда қўлланилади:

家 *jiā* суффикси

家 *jiā* суффиксининг асл маъноси ‘уй’; ‘оила’. Суффикс сифатида сўз ясашишида иштирок этар экан, у ўзининг луғавий маъносидан халос бўлади. 家 *jiā* суффикси илм-фан, хусусан, тилшунослик соҳасида ҳам шу соҳада фаолият юритувчи шахс отларини ясашда қўлланилади. Масалан:

语言学家 *yǔyán xué jiā* ‘тилшунос, лингвист’ > 语言 *yǔyán* ‘тил’ + 学 *xué* ‘ўрганмоқ; таълимот, илм’ ярим суффикси + 家 *jiā* суффикси.

Тилшунослик соҳасида илмий фаолият билан шуғилланувчи шахс отларини ясашда 家 *jiā* суффикси ўзакка 学 *xué* ‘ўрганмоқ; таълимот, илм’ ярим суффиксидан кейин қўшилади.

子 *zǐ* суффикси

У хитой тилида анча кенг қўлланиладиган суффикс бўлса-да, тилшунослик терминлари ичида 子 *zǐ* суффикси воситасида ясалган терминлар унчалик кўп эмас:

句子 *jùzi* ‘гап’ > 句 *jù* ‘гап; гап ёки жумла учун ўлчов сўз’ + 子 *zǐ* суффикси.

Хитой тилида суффикслар билан бир қаторда 半后缀 *bàn hòuzhùì* ‘ярим суффикслар’ ҳам мавжуд.

<sup>24</sup> Фролова О.П. Словообразования в терминологической лексике современного китайского языка. – Новосибирск. Наука, 1981. -С.75

Тилшунослик терминларининг ярим суффикс воситасида ясашиши асосан 化 *huà* ‘-лашиш; -лашув’, 法 *fǎ* ‘қонун-қоида; усул, йўл’, 学 *xué* ‘таълимот; *logos*; -шунослик’ иштирокида кечади:

名词化 *míngcíhuà* ‘отлашиш’ > 名词 *míngcí* ‘от’+ 化 *huà* ‘-лашиш; -лашув’;

附加法 *fùjiāfǎ* ‘аффиксация’ > 附加 *fùjiā* ‘қўшимча қилмоқ; қўшмоқ’ + 法 *fǎ* ‘қонун-қоида; усул, йўл’ ярим суффикси;

语言学 *yǔyánxué* ‘тилшунослик’ > 语言 *yǔyán* ‘тил’ + 学 *xué* ‘таълимот; *logos*; -шунослик’ ярим суффикс.

Хитой тили сўз ясашишида суффикслар ва ярим суффикслар кўп қўлланилса-да, аффиксация усули тилшунослик соҳаси терминларининг ҳосил қилинишида композициячалик маҳсулдор эмас. Шунга қарамай, тилшунослик соҳаси терминларининг семантик, структур хусусиятларини ўрганишда мазкур соҳа терминларининг ясашишида аффиксация усулининг ролини аниқлаш назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Тилшунослик соҳаси сўз туркумларининг грамматик категорияларини ифодаловчи 身 *shēn* ‘кишилик; шахс’, 时 *shí* ‘замон’, 数 *shù* ‘сон’ каби терминлар, соҳадан ташқарида кенг истеъмолдаги умумлексика бирликлари ҳисобланади. Тилшунослик соҳасида қўлланилганда маъно торайиши кузатилади: 身 *shēn* асли умумлексика доирасида ‘тана’, ‘гавда’, ‘бўй’ маъноларини ифодалайди. Тилшуносликда 人称 *rénchéng* ‘шахс’ терминига маънодош термин сифатида қўлланилади: 第一人称 *dì yī rénchéng* ва 第一身 *dì yī shēn* ‘биринчи шахс’.

Бугунги кунда хитой тилида қатор ўзлашма терминлар ҳам мавжуд. Жумладан,

语法范畴 *yǔfǎ fànchóu* ‘грамматик категория’ > 语法 *yǔfǎ* ‘грамматика’ + 范畴 *fànchóu* ‘категория’; термин таркибида 范畴 *fànchóu* асли япон тилида ҳосил қилинган сўз 範疇 *hanchū* бўлиб, ‘категория’ маъносини англатади.

语法单位 *yǔfǎ dānwèi* ‘грамматик бирлик’ > 语法 *yǔfǎ* ‘грамматика’+ 单位 *dānwèi* ‘бирлик’, мазкур термин таркибидаги 单位 *dānwèi* сўзининг асл манба тили ҳам япон тили бўлиб, 单位 *tan'i* ‘бирлик’ маъносини ифодалайди.

系统 *xìtǒng* ‘тизим; система’ япон тилида 系統 *keito* инглизча *system* сўзининг калькаси сифатида юзага келган бўлиб, кейинчалик хитой тилига ўзлашган.

Хитой тилида этимологик калька усули кенг қўлланилиб, бунда чет тилидан ўзлашаётган сўзнинг маъноси очиб берилади. Таржима изоҳлаш, тушунтириш орқали амалга ошади.

词法 *cífǎ* ‘морфология’ > 词 *cí* ‘сўз’ + 法 *fǎ* ‘қонуният; қонун’.

Хитой тилшунослик терминлари луғатида унга қуйидагича таъриф берилган: 词法是英语 *morphology* 的汉译。Яъни, 词法 *cífǎ* ‘морфология’ инглизча *morphology* сўзининг хитой тилига таржимасидир<sup>25</sup>. Тилшунослик

<sup>25</sup> 语言学名词解释. -北京, 1961.第 10 页.

терминлари орасида фонетик ўзлашмалар кўпроқ тилларнинг генеологик типлари, тилшуносликдаги турли оқим (мактаб) номлари билан боғлиқ терминларда кузатилди, аксарият ҳолларда улар фонетик ўзлашма+хитойча морфема ёки сўз шаклига эга: 阿尔泰语系 *ā ǎrtài yǔxì* ‘Олтой тиллар оиласи’> 阿尔泰 *ā ǎrtài* ‘Олтой’ фонетик ўзлашма + 语系 *yǔxì* ‘тил оиласи’ хитойча морфемалар;

布拉格学派 *Bùlāgé xuépài* ‘прага мактаби’> 布拉格 *Bùlāgé* ‘Прага’ фонетик ўзлашма + 学派 *xuépài* ‘илмий мактаб’ хитойча морфема.

词法 *cífǎ* ва 形态(学) *xíngtài (xué)* ‘морфология’ термини, ушбу терминлардан биринчиси этимологик калька ва иккинчи термин структур калька усули орқали ҳосил қилинган бўлиб, хитой тилшунослигида грамматиканинг таркибий қисми морфологияга нисбатан қўлланилади. 词法 *cífǎ* термини таркибидаги биринчи компонент ‘сўз’ ва иккинчи компонент ‘меъёр; қонун, қонуният’ каби маъноларни ифодалайди. Айнан биринчи компонент терминнинг фақат лингвистика соҳаси доирасида қўлланилиши мумкинлигини таъминлаб беради. Бундан фарқли равишда 形态(学) *xíngtài (xué)* “тузилиш (шакл) тўғрисидаги таълимот” термини ушбу терминда кўп маънолилиқ ҳодисасини келтириб чиқаради, яъни термин биология, ботаника ва лингвистика каби соҳаларда қўлланилиши мумкин. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, хитой тили терминологиясида кўп маънолилиқ ҳодисаси кўп кузатилмайди, сабаби терминлар ҳар соҳа учун алоҳида калькалаштириб ўзлаштирилган, юқорида келтирилган 词法 *cífǎ* термини фикримизнинг исботидир, бироқ 形态(学) *xíngtài (xué)* термини хитой тили терминларида кам кузатиладиган полисемия ҳодисасининг биринчи тури, яъни бир терминнинг бир неча соҳа терминлар тизимида қўлланилиши ҳодисасига мисол бўлади<sup>26</sup>.

Учинчи боб «Хитой тилшунослик терминларини унификация қилиш принциплари» деб аталиб, унда хитой тилшунослигида стандартизация масаласи, терминлар унификациясидаги муаммолар, уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар, соҳа терминларининг ўзбек тилига таржимаси ва термин таржималарини тартибга солиш масалалари акс эттирилган.

Хитойда тилнинг меъёрга солиниши, бутун мамлакат бўйлаб стандарт тилнинг муомалада бўлиши 秦 *Qín* даври (мил.авв. 221-206) сиёсатининг етакчи йўналишларидан бирига айланган.

Тилни тартибга солиш масаласи Конфуций (мил.авв. 551-479) ғояларида хусусан, 《正名论》 *Zhèng míng lùn* (“Терминларни тартибга солиш назарияси”) асарида акс этган. 《论语》 *Lùnyǔ* “Ҳикматли сўзлар”да тилни тартибга солиш, меъёрлаштириш тўғрисида қуйидаги қарашлар келтирилади: “Терминлар (сўзлар) меъёрга келтирилмаган бўлса, тилда тартиб бўлмайди, тилда тартиб бўлмаса, иш унмайди, иш бўлмагач, қонун такомиллашмайди, қонун такомиллашмаса, одил ҳуқум бўлмайди, одил ҳуқум билан жиноятлар жазоланмаса, миллат парокандаликка юз тутуди”. Бироқ Конфуций ўз

<sup>26</sup> Иванов В.В. Терминология и заимствования в современном китайском языке. –М.: Наука, 1973. –С.139.

концепциясида тилнинг ўзгариб, таракқий этиб бориш хусусиятини ҳисобга олмайди. Тил таракқий этгани сабаб, унинг меъёрга солиш мезонларини ҳам бир қолипда ушлаб бўлмайди. Мэнгзи (мил.авв. 372-289) эса аксинча, тилнинг ўзгарувчанлик хусусиятини алоҳида эътиборга олгани ҳолда унинг давомийлигини эътибордан четда қолдиради<sup>27</sup>. Жанггуо даври (мил.авв. 475-221) сўнги йилларида яшаган файласуф Сюнзи Конфуций ва Мэнгзи ғояларини таҳлил этади ва уларни бирини-биридан устун қўймаган ҳолда махсус 《正名篇》 *Zhèngmíng piān* (“Терминларни меъёрга солиш рисоласи”)ни ёзади. Унинг терминларни меъёрга келтириш (тартибга солиш) бўйича яратган рисоласи Чин ва Хан сулолалари даврида тил ва ёзувни стандартлаштириш соҳаси учун назарий асосни яратиб берди<sup>28</sup>.

Тилшунослик терминлари таржимасининг меъёрлаштирилиши (规范化 *guīfàn huà*) ёки стандартлаштирилиши (标准化 *biāozhǔnhuà*) ва унификацияси (统一化 *tǒngyī huà*) терминларни қай тарзда таржима қилиш муаммосигина эмас, балки тил лексикасининг бир меъёрга келтирилишига боғлиқ масаладир<sup>29</sup>.

Бутун Хитой фан-техника терминлари тасдиқ қўмитаси термин танлашда тўрт принципга амал қилган ва қуйидаги хусусиятга эга терминларни тасдиқланган терминлар рўйхатига киритмаган: 1) кам қўлланиладиган ёки аҳамияти камроқ; 2) тугал шаклланмаган; 3) тилшуносликдан бошқа соҳаларда ҳам такрорланадиган; 4) мазмунда мавҳумлик бўлганлар<sup>30</sup>.

Хитой тилшунослик терминлари тизимининг тадқиқи натижасида терминлардаги синонимлик, вариативлик сингари термин унификациясига бўлган эҳтиёжни келтириб чиқарувчи қуйидаги омиллар аниқланди:

1. Қадимги хитой тилидан ҳозирги хитой тилига ўтган ва дублетларни ҳосил қилган терминлар: 词 *cí* ‘сўз’ терминининг 辞 *cí* ‘сўз’, 语 *yǔ* ‘сўз; сўзлар’, 字 *zì* ‘сўз; иероглиф’, 名 *míng* ‘сўз; ном’ каби синонимлари мавжуд. Бундан 词 *cí* ‘сўз’и ҳозирги хитой тилшунослигида кенг қўлланилади. 辞 *cí* ‘сўз’ айрим терминлар таркибида: 修辞 *xīucí* ‘стилистика’ каби; 语 *yǔ* ‘сўз; сўзлар’ айна пайтда асосан ‘тил’ маъносида қўлланувчи ушбу лексема катор грамматик терминларнинг компоненти ҳам бўлиб келади: 主语 *zhǔyǔ* ‘эга’, 定语 *dìngyǔ* ‘аниқловчи’ каби; 字 *zì* ‘сўз; иероглиф’ ‘иероглиф, белги’ маъноларида ишлатилувчи ушбу термин қадимги хитой тилида ‘сўз’ маъносида қўлланган. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, уларнинг ҳеч бири ҳозирги тилшуносликда 词 *cí* ‘сўз’нинг вазифаларини тўлиқ бажара олмайди.

2. Чет тилидан ўзлашган ҳамда хитой тилидаги эквивалентлари билан синонимик муносабатга киришадиган терминлар: 葛郎玛 *gélǎngmǎ*, 文

<sup>27</sup> 李建国. 语言规范史略. —北京: 语文出版社, 2000. 第 1 页.

<sup>28</sup> 李建国. 语言规范史略. —北京: 语文出版社, 2000. 第 2 页.

<sup>29</sup> 任洋湘. 语言学学术语译名的规范化. 广西民族大学硕士研究生学位论文. 第 4 页.

<sup>30</sup> 沙宗元. 文字学名词审定例释. 中国科技术语, 2007 (5)/31-35.



法 *wénfǎ*, 语法 *yǔfǎ* ‘грамматика’ термини, бундан 葛郎玛 *gélǎngmǎ* фонетик ўзлашма бўлса, 文法 *wénfǎ* ‘ёзув; матн; тил (ёзма шакли) + қонуният’ семантик калька ва кейинчалик 语法 *yǔfǎ* ‘тил; нутқ; сўзлар + қонуният’ термини шаклланган бўлиб, ҳозирда ‘грамматика’ маъносида қўлланилади.

3. Тилшуносларнинг термин ижодкорлигига турлича ёндашувлари натижасида тузилиши ёки ясалиш усуллариغا кўра фарқли, бироқ мазмунан бир бўлган истилоҳларнинг ижод қилиниши: 附加法 *fùjiāfǎ* ‘қўшмоқ; тўлдирмоқ + усул; қоида’, 词附法 *cífùfǎ* ‘сўз + қўшмоқ + усул’, 附加作用 *fùjiā zuòyòng* ‘қўшимча қилиш; тўлдириш + натижа бериш; аҳамият’, 加词缀 *jiācízhùì* ‘қўшмоқ + аффикс’ – аффиксация усулига нисбатан қўлланилади. Дастлабки икки термин ярим аффиксация усулида ясалган бўлса, қолган иккитаси сўз бирикмаси шаклидаги терминлар саналади. Буларнинг барчаси функционал-семантик жиҳатдан бир.

Бу каби мисоллар хитой тилшунослигида кўплаб топилади. Шу сабабдан тилшунослик терминларини унификациялаш ечимини топиш лозим бўлган муҳим масалалардан бири саналади.

Тилшунослик терминларини унификациялашда қуйидаги тавсияларни таклиф этамиз:

1) Нисбатан кейинги босқичда шаклланган термин қадимда қўлланилганларидан устун бўлса, терминологияда ундан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Лекин, шундай терминлар борки, улар тилшунослик соҳасига сингиб кетгани, қадимги хитой тили асосида шаклланганига қарамай, ўзини функционал жиҳатдан тўлиқ оқлаб келмоқда. 虚词 *xūcí* “ёрдамчи сўзлар” ва 实词 *shící* “мустақил сўзлар” терминлари бир маъноли, тузилишига кўра бошқа вариативларидан ихчам, халқ менталитети ва халқ онгидаги дунё манзарасига мувофиқ ясалган бўлиб, ҳозир ҳам семантик-функционал жиҳатдан ўзини оқлаб келмоқда. Бу каби ҳолларда қадимги хитой тилидан мерос бўлиб ўтган терминдан воз кечиб, янгисини ижод қилишга эҳтиёж йўқ.

2) Фонетик ўзлашмалардан тил ички имкониятлари асосида ўзлашманинг ўрнини босадиган термин ясалиши билан воз кечиш хусусияти хитой тилини бошқа тиллардан фарқлаб туради. Семантик калькалар асли хитойча сўзлардан фарқланмайди. Шунга қарамай, семантик калькаларни ҳам алмаштира оладиган термин тил ички имкониятлари доирасида ясалган ва соҳа доирасида муносиб ўрнини эгаллаган бўлса, айнан шу терминнинг қўлланилиши маъқул. Айрим ҳолатларда семантик калькаларнинг қўлланилиши доираси кенг бўлиши мумкин. Чунончи, 形态学 *xíngtài xué* термини “морфология” маъносида ботаника соҳасида ҳам қўлланилади. 词法 *cífǎ* терминининг биринчи компоненти 词 *cí* ‘сўз’ тилшунослик термини бўлганлиги боис 词法 *cífǎ* ‘морфология’ фақат лингвистикага тегишли ҳисобланади. Бу эса соҳа терминологияси учун ижобий ҳол.

3) Термин ижодкорлигида термин компонентлари учун танланаётган сўзларнинг кўп маънолилигидан “қочиш”, агар сўз кўп маъноли бўлса,

ундаги етакчи сема ясалаётган терминнинг маъносига қанчалик мос келишини ҳисобга олиш синоним терминлар кўпайиб кетишининг олдини олади.

## ХУЛОСА

Хитой тили тилшунослик терминлари тизимининг тадқиқи қуйидаги хулосаларга олиб келади:

1. Узоқ тарихий илдизларга эга хитой тилшунослиги ўзига хос терминологик тизимни шакллантирган. Анъанавий хитой тилшунослигида дастлаб ёзув ва иероглифика, кейинчалик фонетика, диалектология, лексикография терминлари шаклланган ва тараққий этган. Грамматик терминлар қадимги хитой тилшунослигида қисман қўлланилган бўлса-да, уларнинг тизимли тараққиёти XIX аср охири – XX аср бошига тўғри келади.

2. XX асрнинг 50- йилларидан кейин Ғарб тилшунослик назарияларининг хитой тилшунослигида ўрганилиши терминология соҳасига ўз таъсирини ўтказди. Бу даврда, бир томондан, хитой тили хусусиятларига асосланган, иккинчи томондан, дунё тилшунослиги назариялари таъсир этган ўзига хос терминологик лексика шаклланди.

3. 1949 йилнинг октябрида Хитой Халқ Республикасининг ташкил этилиши фан-техниканинг ҳар жабҳасида тараққиётнинг янги даврини бошлаб берди. Хитойда тил ва ёзувни ислоҳ қилиш фонетика, ёзув, лексикология, грамматиканинг янги терминлар билан бойишида асосий омилга айланди.

4. Қадимги хитой тилшунослиги терминлари структур-семантик жиҳатдан ўзига хос бўлиб, терминлар ясалишида жонлантириш ҳодисаси кузатилади. Бу анъана XX асрнинг 50- йиллардан кейин ясалаган терминларда ҳам сақлаб қолинган.

5. Тил ички манбалари асосида ҳосил қилинган соҳа терминларининг аксариятини кўшма терминлар ташкил этади. Кўшма терминларнинг катта қисми композицион усулнинг атрибутив модели асосида ҳосил қилинган. Бу моделда компонентлар структурасининг асосан “феъл+от” шаклидалиги аниқланди.

6. Аффиксация хитой тили сўз ясалишида етакчи ўринлардан бирини эгалласа-да, тилшунослик терминларининг ҳосил қилинишида у қадар маҳсулдор эмас.

7. Соҳа терминлари асосан мураккаб структурага эга бўлган терминлардан иборат. Кўшма сўз шаклидаги терминлар соҳа терминлари умумий миқдорининг 50% дан кўпини ташкил қилиб, улар икки компонентнинг бирикувидан юзага келган. Бирикма шаклидаги терминлар салмоғи анча сезиларли бўлиб, улар икки иероглифдан тўққизтагача иероглифли тузилмага эгадир. Бу ҳолат ҳозирги хитой тилшунослик терминологияси термин ясалишининг дунё терминологиясига хос анъаналаридан четда қолмаётганлигини кўрсатади. Анъанавий хитой тилшунослиги терминлари ташқи омиллар таъсирсиз, ёпиқ муҳитда

шакланган бўлса, ҳозирги хитой тили тилшунослик терминологияси дунё илм фани билан ҳамнафас ривожланмоқда.

8. Тилшунослик терминлари тизими тилнинг умумий қонуниятларига бўйсунди. Терминларда синонимик муносабатдаги бирликлар бўлишига қарамай, уларнинг аксарияти фақат тилшуносликка тегишли маънони ифодалаган лексик бирликлар асосида воқеланганлиги терминлардаги полисемия ҳодисасини камайтиради. Шу билан бир қаторда, терминология тараққиёти тил лексикасинигина эмас, балки сўз ясаиш тизимини ҳам ривожлантирувчи омил эканлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

9. Терминларнинг ўзбек тилига таржималари таҳлили натижасида тилшунослик терминлари таржимасида яқдилликнинг йўқлиги, муаллифларнинг, ҳатто айрим ҳолларда, бир муаллифнинг турли ишларида бир термин таржимаси учун ҳар хил лексемалардан фойдаланилганлиги, терминларни таржима қилишда манба ҳисобланадиган хитой тили ёки таржима қилинаётган ўзбек тилларининг терминлар тизимига эмас, балки бошқа тил (рус, араб, инглиз) терминологиялари аънаналарига эргашиш ҳолатлари мавжудлиги аниқланди.

10. Терминларни таржима қилишда терминлашмаган таржима, ўзбек тилида хитой тилидаги терминга ҳар томонлама мос келадиган муқобили бўлишига қарамай, уни сўзма-сўз таржима қилиш, таржима жараёнида термин юзага келган тил (хитой тили) ва унинг ижодкори бўлган халқ (хитой халқи)нинг ўзига хос ментал хусусиятлари ва бу халқ онгидаги дунё манзарасининг тил воситасида ифодаланишига бўлган ёндашувни ҳисобга олмаслик каби қатор камчиликлар ўзбек хитойшунослигида кўплаб синоним терминларни келтириб чиқарган омиллардан деб топилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Fil.21.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ИНСТИТУТЕ ВОСТОКОВЕДЕНИЯ, УЗБЕКСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ МИРОВЫХ ЯЗЫКОВ,  
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ИНСТИТУТ  
ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

**МУСТАФАЕВА САМИДА ТОШМУХАММЕДОВНА**

**ЛИНГВИСТИЧЕСКАЯ ТЕРМИНОЛОГИЯ КИТАЙСКОГО ЯЗЫКА**

**10.00.05 – Языки и литература народов Азии и Африки**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2017**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017. 1. PhD/Fil.8.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном институте востоковедения.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский) размещен на веб-странице по адресу [www.tashgiv.uz](http://www.tashgiv.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:** **Содиқов Косимжон Позилович**  
доктор филологических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**  
**Дадабаев Хамидулла Арипович**  
доктор филологических наук, профессор

**Носирова Саодат Абдуллаевна**  
кандидат филологических наук, доцент

**Ведущая организация:** Институт Узбекского языка, литературы и фольклора  
имени Алишера Навои при Академии Наук Республики  
Узбекистан

Защита диссертации состоится « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2017 года в \_\_\_\_ часов, на заседании Научного Совета по присуждению ученых степеней DSc.27.06.2017.Fil.21.01 при Ташкентском государственном институте востоковедения, Узбекском государственном университете мировых языков, Национальном университете им. М.Улугбека. (Адрес: 100047, г. Ташкент, улица Шахрисабзская, дом 16. Тел: (+99871) 233-45-21; факс: (+99871) 233-52-24; e-mail: [sharq\\_ilmiy@mail.ru](mailto:sharq_ilmiy@mail.ru))

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного института востоковедения (зарегистрирована за № \_\_\_\_). Адрес: 100047, г. Ташкент, улица Шахрисабзская, дом № 16. Тел: (+99871) 233-45-21.

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2017 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2017 года.)

**А.М. Маннонов**  
председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней, док. филол.  
н., профессор

**К.Ш. Омонов**  
ученый секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, док. филол.  
н, доцент

**А. Куранбеков**  
председатель научного семинара при  
Научном совете по присуждению ученых  
степеней, док. филол. н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В современном языкознании исследование лингвистических терминов, их классификация и описание, стандартизация и унификация терминов данной сферы, а также систематизация перевода терминов считается актуальной задачей не только терминологии, но и лингвистики в целом. К тому же, процесс глобализации в мировом сообществе приводит к обогащению лексического фонда языков, в частности терминосистем этих языков. Перечисленное, повышает востребованность к исследованиям в терминологической науке.

В годы независимости политические, торгово-экономические, культурно-гуманитарные отношения между Узбекистаном и Китаем развиваются высокими темпами. «...Узбекистан рассматривает Китай как страну с многовековой историей и уникальной культурой, обладающую огромным потенциалом, являющуюся одним из лидеров мировой экономики и уверенно продвигающуюся по пути достижения своих целей»<sup>31</sup>. Отношения между Узбекистаном и Китаем имеющие исторические корни динамично развивающиеся всесторонние и сегодня, являются причиной роста требований к высококвалифицированным кадрам-специалистам в области китаеведения.

Богатством языка, в первую очередь считается лексический фонд, а изучение терминосистем как неотъемлемой части лексики, является важным направлением филологических исследований. Несмотря на такие требования к термину как точность, однозначность, все же часто встречаются случаи несоблюдения этих принципов, особенно при переводе лингвистических терминов китайского языка на узбекский. Сложившаяся ситуация показывает настоятельную необходимость комплексного изучения лингвистических терминов китайского языка, унификацию терминологического аппарата в монографическом плане, исследования эволюцию, лексико-семантических, структурных и функциональных особенностей терминов данной отрасли, также определение факторов приводящих к синонимии терминов и нахождения путей и решения этих проблем.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 10 декабря 2012 года за № ПП-1875 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы изучения иностранных языков», в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 3 сентября 2014 года за № ПП-2228 «О создании факультета китаеведения в составе Ташкентского государственного института востоковедения» и в Указе Президента Республики Узбекистан от 13 мая 2016 года за № УП-4794 «О создании Ташкентского государственного университета узбекского языка и

---

<sup>31</sup> Мирзиёев Ш.М. 2017 йил 11 майда ХХРга ўтказилган давлат ташрифи доирасида Хитой Раиси Си Цзинпин билан учрашувда сўзланган нутқ // Ўзбекистон-Хитой: стратегик шериклик ва дўстлик муносабатларини янада ривожлантириш йўлида. www.uza.uz. 12-05-2017.

литературы имени Алишера Навои», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики Узбекистан – I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Степень изученности проблемы.** Некоторые проблемы лингвистической терминологии китайского языка были изучены в работах Ша Дзюнюаня<sup>32</sup>, Рэн Цзесяня<sup>33</sup>, Пэй Яцзюнья, Ван Цзюосина<sup>34</sup>.

В исследовании лингвистической терминологии немаловажную роль играют научные работы зарубежных ученых. В этой связи особого внимания заслуживают труды С.И. Омаровой<sup>35</sup>, С.И. Щербины<sup>36</sup>, М.М. Курбановой<sup>37</sup>, П.М. Алиевой<sup>38</sup>, Л.В. Поповой<sup>39</sup>, В.В. Антимировой<sup>40</sup>, З.И. Евлоевой<sup>41</sup>, М.А. Паржевой<sup>42</sup>, Л.И. Скворцова<sup>43</sup>, Н.А. Слюсаревой<sup>44</sup>, А.И. Моисеева<sup>45</sup>.

